

МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 1/1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
A. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:
Максет АЙЫМБЕТОВ
Нафмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӘЛЕҮОВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай Даулетяров
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕЙТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсor ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендіриў
Министрлігі, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлөр Кабинети
жанындағы Жокарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қаравы менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм
хабар агентлиги тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гүйалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@mail.uz,
mugallim-pednauk@mail.uz
www.mugallim-uziksiz-bilim.uz

Журналга келген мақалаларға жоюшап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендіриү» журналынан алынды, дең көрсетилүү шарт. Журналга 5-6 бет колемндеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифттінде электрон версиясы менен бирге қабыл етіледи. Мақалада көлтирилген мәлімдемелер автор жүзуапкер.

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

| | |
|---|-----|
| Sultonov Z.S. Maktabda jismoniy tarbiya darslarini o'tkazish xususiyatlari | 72 |
| Абдулахатов А.Р., Нигматуллаева Д.Р. Голиб ва маглуб курашчилар мусобақа олди рухий ҳолати ва техник-тактик маҳорат даражасининг ўзаро алоқадорлиги | 75 |
| Абдулахатов А.Р., Қулбулов Ф.Н. Спорт умуминсоний қадрият ҳамда тарбия воситаси сифатида | 80 |
| Болтаев Ш.Э. Ёш волейболчиларни инновацион ёндашув асосида машгулот жараёнини ташкил этиш | 87 |
| Худойберганов Ж.С. Кураш миллий спорт турини янада оммалаштириш ва ривожлантириш | 92 |
| Жұмаев А.Т., Турдиеv Ф.А. Башлангич синф ўқувчиларida ҳаракатли ўйинларни кластер усулда олиб бориш | 95 |
| Зокиров У.М., Абдуна孜арова З.А. Актив ва пассив туризм турлари оркали ўқувчи ёшларнинг жисмоний фаoliyatlарини ривожлантириш | 100 |
| Зокиров У.М., Назаров Ф.И. Ёш волейболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш | 103 |
| Абдулахатов А.Р., Зулхайдаров Ж.А. Профессионал футболчиларни жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштириши месъёрлари | 106 |
| Одилов О.Н. Жисмоний тарбия таълими жараёнинда талабаларда экологик маданиятини ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият | 110 |
| Султонов А.И. Йиллик тайёргарлик циклида эркин курашчиларни машгулот жараёнини ташкил этиш | 114 |
| Умаралиева Д.У., Тошқувватов О.А. Умумий ўрта таълим мактабининиг 7-8 синф ўқувчиларини спорт ўйинлари оркали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш | 118 |
| Хабибуллаев С.Х., Джурабоеva D. Мини футбол бўйича мусобакаларни ўтказишида мусобақа коидаларининг аҳамияти | 122 |
| Шадиев А.Ё. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг тезкор-куч сифатларини амалиётта татбиқ этиш | 125 |
| Утепбергенов А.К., Шукурллаев Ж.М. Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларida жисмоний сифатларни ривожлантириша ақмеологик ёндашув | 128 |
| Зуфаров Т.У. Организация и методы подвижных игр для физического развития детей дошкольного возраста | 132 |
| Маматкулов Р.С. Значение кластерного метода в развитии физического воспитания студентов с использованием легкоатлетических упражнений | 136 |
| Маматкулов Р.С. Значение спортивно-оздоровительного кластера в подготовительной части уроках гимнастики | 140 |

рилган (2 ± 0.5 , $p<0.01$). Маглуб курашчилар мусобака олди хавотир даражаси ва техник-тактик харакатлар кўлами ($r=0.421$, $p<0.05$) ҳамда мусобака олди хавотир ва самарали техник-тактик харакатлар ўртасида ($r=0.253$, $p<0.05$) ижобий боғлиқлик кузатилмади. Аксинча, голуб курашчиларнинг мусобака олди хавотир даражаси ва техник-тактик харакатлар кўлами ($r=0.734$, $p<0.05$) ҳамда мусобака олди хавотир ва техник-тактик харакатлар самараодорлиги ўртасида ижобий боғлиқлик кузатилди ($r=0.671$, $p<0.05$). Ушбу тадқикот иши натижалари курашчилар тайёrlаш тизисидаги кўлланилиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

Цель исследования - сравнить состояние тревожности и уровень технико-тактического мастерства, которые получили побежденные и победившие борцы от соревнований, а также исследовать взаимосвязь между ними. В нашем исследовании приняли участие 84 борца (мужчины) (средний возраст $18\pm2,4$ года, вес $73\pm7,3$ кг, средний рост $175\pm8,4$ см, средний период участия $8\pm2,8$ лет). В процессе региональных и национальных чемпионатов проверялся уровень тревожности, которую борцы получали от соревнований, и сравнивалось взаимодействие с техническими и тактическими показателями. Результаты показали, что уровень тревожности, который победившие борцы ($20,71\pm0,86$, $p<0,01$) получили от соревнований, был определен как более высокий, чем у борцов-победителей ($19,07\pm1,40$, $p<0,01$). Уровень технико-тактических действий был зафиксирован ниже, чем у борцов-победителей ($8\pm2,1$), в то время как уровень борцов-проигравших ($11\pm3,5$, $p<0,05$). Также эффективные технико-тактические действия были выполнены у борцов-победителей ($1\pm0,7$, $p<0,05$), меньше, чем у борцов-победителей ($2\pm0,5$, $p<0,01$). Уровень тревожности и масштаб технико-тактических действий ($r=0,421$, $p<0,05$) и положительная корреляция между тревожностью и эффективными технико-тактическими действиями ($r=0,253$, $p<0,05$) не наблюдалась, когда побежденные борцы принимали участие в соревнованиях. Напротив, наблюдалась положительная корреляция между уровнем тревожности и эффективностью технико-тактических действий ($r=0,734$, $p<0,05$), а также тревожностью и технико-тактическими действиями ($r=0,671$, $p<0,05$), которые принимали борцы-победители в соревнованиях. Результаты данной исследовательской работы могут быть использованы в системе подготовки борцов.

SUMMARY

The purpose of the study is to compare the state of anxiety and the level of technical-tactical skill that the defeated and winning wrestlers received from the competition, as well as to investigate the correlation between them. 84 wrestlers (men) participated in our research (average age $18\pm2,4$ Years, Weight $73\pm7,3$ kg, average height $175\pm8,4$ CM, average engagement period $8\pm2,8$ years). In the process of the Regional and national championships, the level of anxiety that the wrestlers received from the competition was checked and the interaction with the technical and tactical indicators was compared. The results showed that the level of anxiety that the defeated wrestlers (20.71 ± 0.86 , $p<0.01$) received from the competition was determined to be higher than the winning wrestlers (19.07 ± 1.40 , $p<0.01$). The level of technical-tactical action was recorded to be lower than that of the winning wrestlers (8 ± 2.1) while the level of the losing wrestlers (11 ± 3.5 , $p<0.05$). Also, effective technical and tactical actions were performed in the defeat fighters (1 ± 0.7 , $p<0.05$), less than the winning wrestlers (2 ± 0.5 , $p<0.01$). The level of anxiety and the scale of technical-tactical actions ($r=0.421$, $p<0.05$) and the positive correlation between anxiety and effective technical-tactical actions ($r=0.253$, $p<0.05$) were not observed when the defeated wrestlers took the competition. On the contrary, there was a positive correlation between the level of anxiety and the effectiveness of technical-tactical actions ($r=0.734$, $p<0.05$), and the anxiety and technical-tactical actions ($r=0.671$, $p<0.05$) that the winning wrestlers took in the competition. The results of this research work can be used in the system of wrestlers training.

СПОРТ УМУМИНСОНӢ ҚАДРИЯТ ҲАМДА ТАРБИЯ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Абдулахатов А.Р.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

“Спорт ва чақириққача ҳарбий таълим” факультети “Факультетларо жисмоний тарбия” кафедраси ўқитувчиси

Кулбулов Ф.Н.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаши ва малакасини ошириши институти Самарқанд филиали

Таяинч сўзлар: спорт, тарбия, кадрият, ижтимоий аҳамият, восита.

Ключевые слова: спорт, образование, ценность, социальная значимость, инструмент.

Key words: sport, education, value, social significance, instrument.

Инсоният XXI асрга улкан кашфиётлар ва ютуқлар билан қадам қўйди. Глобаллашув дея аталаётган мазкур даврнинг ютуқлари билан бир пайтда салбий жиҳатлари хам инсонлар ҳаётига, айниқса, ёшлар тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда, бир томондан, глобаллашув жараённинг афзаликларидан оқилона фойдаланиш, иккинчи томондан унинг салбий иллатини бартараф этиш борасидаги пишиқ-пухта ўйланган изчил сиёсат олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов таъкидланидек, “Ҳозирги шароитда у мағкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куролига айланаби, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соглом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши мукаррар”. Шу боис глобаллашув шароитнинг ижобий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда унинг гоявий-мағкуравий таъсиридан огоҳ бўлиш, айниқса, ёшларимизни бундай хуружлардан асраб-авайлаш гояси мухим аҳамият касб этади [2.Б.54-55].

Республикамиз мустакилликка эришган дастлабки кунларданоқ мамлакатда спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуннинг амалиётга тадбиқ қилинib, кейинчалик (2000, 2015) унинг такомиллаштирилиши мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт ривожининг янги уфқларини белгилаб берди. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама тарбияланиши ва баркамол авлодлар бўлиб вояга етишида спортнинг аҳамиятини ошириш, спорт орқали ёшларни турли салбий иллатлар таъсиридан асраш масалаларига Президент Ш.М.Мирзиёев алоҳида аҳамият қаратиб бу борадаги асосий вазифаларни белгилаб берди.

Ёш авлодни спортуга кенг жалб қилиш орқали уларни ҳам жисмонан ҳам маънан тарбиялаш, ёшлар орасида соглом турмуш тарзини шакллантириш каби мақсадларга йўналтирилган. Зоро, мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спорт сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод оғигда спорт билан шуғулланиш, соглом турмуш тарзига амал қилиш, матнавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсиридан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан ҳолос этиш, болаларни барқарор феъл-авторли, Ватанига меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакати учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳисобланади [1]. Ҳозирги глобаллашув шароитида ёшларни турли салбий иллатлар таъсиридан асраш, бунда спортдан фойдаланиш ўйлларини ишлаб чиқиш ва ундан самарали фойдаланиш имкониятининг юқорилиги муаллифни мазкур мавзу юзасидан кузатишлар ўтказиш, унинг илмий-услубий жиҳатларини ўрганишга унади.

Спортнинг ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш хусусияти тўғрисида гап кетар экан, у ижтимоий ходиса сифатида ҳам фан сифатида ҳам жамиятда, инсонлар ҳаётида катта аҳамиятта эгалигини айтиб ўтиш лозим. Спорт назариясидан маълум бўлишича спортнинг мусобака вазифаси, соғломлаштириш вазифаси, гоявийлик вазифаси, эстетик вазифаси, ахлоқий-тарбиявий вазифаси, ижтимоий-сиёсий вазифаси, байналмinalчилик вазифалари борки, [3.Б.16] улар бир-бири билан

йўғунлашиб кетади ва натижада спорт тушунчасининг нақадар кенг маъноли эканлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, айрим мутахассисларнинг таъкидлашича [4.Б.41, 5.Б.43-44], спорт воситасида ватанпарварлик, инсонпарварлик тарбиясини ёш авлодга сингдириш йўллари ва имкониятлари мавжуд.

Бу хусусида фикр юритар эканмиз дунё ва Ўзбекистон миқёсида мавзуга доир изланишлар олиб борилганлигига алоҳида аҳамият қаратдик. Мазкур масалада юзасидан жисмоний маданият ва спорт мутахассислари, психологлар, социологлар ва файласуфлар тадқиқотлар олиб борганлар. В.Д.Паначаев, Н.И.Пономарёв, Л.П.Матвеев, Л.И.Лубышева каби чет эл олимлари ишларида спортнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти ёритилган.

Ўзбекистонда ҳам спортнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз олимларидан Ш.Х.Хонкелдиев, А.Абдуллаев, Й.М.Машарипов, Р.С.Саламов, Ж.Э.Эшназаров, Х.Т.Рафиев, Р.А.Абдурасулов кабилар спортнинг серкирра ижтимоий ходиса сифатида инсон тарбиясидаги аҳамияти юқори эканлигини эътироф этишади. Айниқса, сўнгги йилларда Республикада соҳага доир турли даражадаги анжуманларда “спорт ва ёшлар тарбияси”, “спорт ва шахс”, “спорт ва соғлом авлод”, “спорт ва маънавият” каби спортнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини ўрганишга қаратилган долзарб масалалар ёритилмоқда (Б.З.Исканов, Б.Б.Инагамов, А.А.Толаметов, А.М.Жўраев, Р.Н.Назаров, Т.Д.Байтураев, Ш.Ш.Исройлов, А.Шопулотов ва бошқалар). Адабиётлар таҳлили ва кузатишлар спорт воситасида ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш имкониятлари юқори эканлигини кўрсатади.

Иzlaniшлар олиб бориши жараённида Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиалида малака ошириш жараёни тингловчилари (ўқитувчилар ва тренерлар) мавзуга доир сўровномалар ташкил килинди. Сўровномаларда 100 нафари иштирок этишди. Ўтказилган сўровнама натижалари мамлакатимизда спорт тобора ривожланётганилиги, унинг ижтимоий аҳамияти, ёшлар тарбиясидаги ўрни юқорилаб бораётганилигини кўрсатди.

“Жамиятда спортнинг ўрни ва аҳамияти қай даражада деб ўйлайсиз?” саволига иштирокчиларнинг 85%и “юқори даражада”, 15%и “ўртacha” деб жавоб берганлар. “Сиз, салбий иллатлар (ичиши, чекиши, наркомания, диний экстремизм ва терроризм кабилар) таъсиридан ёшларни асрарда спортнинг ўрни юқори деб хисоблайсизми?” саволига иштирокчиларнинг 100%и “ҳа, юқори даражада” деб жавоб беришган. Саволга қўшимча сифатида иштирокчиларнинг 80%и “спорт билан шуғулланган болалардаги бўш вақт бўлмайди, шу сабабли улар турли салбий иллатларга берилиб майди” мазмунидаги фикрларни билдирганлар.

Спорт назарияси ва амалиёти фани ютуклари спорт билан шуғулланган ва шуғулланмаганлар ўртасида нафақат жисмонан, балки ақлан, рухан ва маънан тафовутлар бўлишини кўрсатади. Ўтказилган сўровнома натижаларининг таҳлили ҳам айнан юқоридаги фикрларни тўлаконли тасдиқлади. “Сизнингча, спорт билан шуғулланган болалар бошқалардан нимаси билан фарқ қиласди?” саволига иштирокчиларнинг 10%и “мустакил фикри шаклланади”, 12%и “мақсадга интилиш, қатъийлик шаклланади”, 63%и “ҳар томонлама тарбияланади” ва 15%и “соғлом,

бакувват бўлади” дей жавоб беришган. Дарҳақиқат, спорт билан шуғулланган ёшлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки, спорт ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш, улар онгидаги соглом турмуш тарзига амал қилиш фояларини шакллантириш, уларнинг рухий ва жисмоний бардамлигини мақсаддага мувофиқ тарбиялашга катта ҳисса кўшади [1]. Зеро, замонавий спорт машғулотларининг асосий мақсади ва вазифаларидан бири сифатида шуғулланувчининг ҳар томонлама тарбияланиши эътироф этилиб, спорт асосида ўзлигини англаш ва миллий уйгониш, мағкуравий ҳиссиятни ривожлантириш ва шу асосда инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳини кучайтириш вазифаларини амалга ошириш назарда тутилади [6.Б.43-44].

Сўровнома иштирокчилари ёшларни спортга кенг жалб қилиш юзасидан ўзларининг турли таклиф ва тавсияларини билдиришган. Иштирокчиларнинг аксарияти ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва уларни спорт воситасида ҳар томонлама тарбиялашда оила (асосан, ота-она), мураббий ва таълим муассасаси ҳамкорлигини самарали йўлга кўйиш лозимлигини айтиб ўтишган. Ота-оналарнинг шахсий намуна кўрсатиши, таникли ва маҳоратли спорчиларга нисбатан фарзандларида ҳавас уйготиши катта аҳамиятта эга эканлиги таъкидланган. Шунингдек, айрим иштирокчилар (68%) спорт воситасида ёшларни ҳар томонлама тарбиялашда мураббийларга алоҳида вазифалар юқлатилиши лозимлигини таъкидлашган. Бу ўз навбатида спорт воситасида ёшларни турли салбий иллатлар таъсиридан асараш ва уларни ҳам жисмонан ҳам маънан тарбиялашнинг тақрорланмас ва ўзига хос усули эканлигини эътироф этишган.

Спорт билан шуғулланган, мунтазам машғулотлар билан банд бўлган ёшларнинг турли салбий иллатлар таъсирига тушиб қолиш холлари кам кузатилади. Чунки спорт машғулотлари маълум тартиб-кўидалар ва мезонлар асосида ташкил қилинадики, натижада шуғулланувчилик табиий равища рационал кун тартиби доирасида бўладилар. Юқоридаги фикрлар турли даражадаги 20 нафар спорчилар кун тартибини ўрганиш натижасида олинган хуласалар билан айнан мос келади. Биз спорчиларнинг кун тартибини ўрганиш натижасида уларнинг бўш вақтлари кам бўлиши, бўш вақтларида асосан маъданий хордик чиқарашларини (дам олиш, китоб ўқиши ва х.к) аникладик. Ваҳолангик, сўровнома натижалари таҳлили ва кузатишлар салбий иллатларнинг бош сабаби ёшларнинг бўш вақтдан унумли фойдаланмаслиги натижасида юзага келишини кўрсатган.

Мураббийлар фаолияти ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилди. Мураббийларнинг ўз шогирдлари кун тартиби, яшаш шароити, ўқиши ва оиласидаги фаолияти билан кизиқиши ёшлар тарбиясида, уларнинг спортда ҳам ҳаётда ҳам юксак натижаларни кўлга киритишида муҳим ўрин тутади. Муаллиф иш фаолияти натижасидан биладики, Республикализнинг турли ҳудудларида ёшларнинг ҳар томонлама тарбия топиши, уларнинг ҳам маънавий ҳам жисмоний тарбияланишида ўзини маъсул деб биладиган мураббийлар етарлича. Бундай мураббийлар категорига А.Толипов, Р.Солиев, М.Қосимов, Р.Тўраев, О.Рахимов, А.Ташматов, Ж.Ашурев, Я.Абдурамоновларни киритиши мумкин. Улар томонидан эришилган ютуклар фақатгина спорт натижаси билан чегараланиб қолмай, шогирдларининг етук инсонлар бўлиб жамиятимиз равнақига ҳисса кўшаётганлиги билан ҳам белгиланади. Ушбу мураббийлар иш тажрибасини ўрганиш, ўзлаштириш ва оммалаштириш фойдадан ҳоли бўлмайди, албатта.

Умуминсоний қадриятлар – жаҳондаги барча одамлар, халқлар, давлатлар учун умумий қадрлаш мезони ҳисобланган умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар тизими. Умуминсоний қадрият ниҳоятда кенг кўламли ва серкирра тушунчадир

[7.Б. 233-235]. Бугунга келиб умумисоний қадрият тушунчаси инсонлар ҳаётида, уларни тарбиялашда ва маънавий дунёсини бойитиб боришда ўзининг юксак даражадаги аҳамиятини тобора ошириб бормоқда. Умумисоний қадриятларнинг намоён бўлиши нисбий бўлиб жамият ривожланиши, тарақкиётнинг хусиятларига кўра умумисоний қадриятларнинг ўёки бу шакли ҳаётнинг олдинги погонасига кўтарилади. Масалан, уруш даврида тинчлик, озодлик, юртда душманлар бўлганда ватанпарварлик, мустақиллик даврида миллий ўзликни англаш, миллий маданиятни ўрганишга эҳтиёж ортиб боради. Тарихан маълум бўладики замонлар ва даврлар ўзгариши спорт тушунчасининг аҳамиятини ҳеч қачон пасайтирган эмас. Спорт ҳар доим инсонлар маънавий ва моддий эҳтиёжининг ажралмас қисми сифатида, умумисоний қадриятлар тизимида марказий ўринни эгаллайди.

Спорт бир сўз билан айтганда баҳсласиши, беллашиш маъноларини англатади. Махсус жисмоний машқлардан ташкил топган харакатлар мажмуи спорт тушунчасининг асосини ташкил қиласди. Шу билан бирга спортнинг ижтимоий характеристери, инсонни шахс сифатида тарбиялашдаги ўрни бекиёсdir. Жамият ривожланиши бевосита жисмоний маданият тушунчасининг ҳам ривожланишига олиб келди. Жисмоний маданиятнинг таркиби кисми бўлган спорт бугунги кунга келиб ўзининг юксак ижтимоий аҳамиятини намоён қилмоқда. Сўнгги йилларда дунё миқёсида спортнинг аҳамиятини ўрганишга қаратилган тадқикотлар, унинг инсонлар турмуш-тарзидаги роли юксак даражада эканлигини исботлади. Мазкур масала юзасидан жисмоний маданият ва спорт мутахассислари, психологлар, социологлар тадқиқот ишларини амалга оширилар ва турли даражадаги илмий-услубий манбалар яратилди.

Халқ орасида мусобақаларда танилган ва голиб бўлган спортчиларга нисбатан “спортчи”, “голиб”, “чемпион” каби тушунчалар кенг ишлатилиди. Инсонлар бу каби спортчиларга ҳавас билан қарайди, натижада, улардек бўлиш истаги шаклланиб боради. Спортчилар ҳар ерда эъзозланади ва қадрланади. Аслини олганда, инсонлар голиблар, чемпионлар тимсолида спортни қадрлайдилар. Спорт воситасида инсонларни қадрлаш ва улуғлаш том маънодаги мазмун касб этади. Мамлакат байроғини халқaro майдонларда юқори кўтарган спортчилар жамиятда қадр топади.

Спортни умумисоний қадрият сифатида ўрганиш учун унинг вазифаларини санаб ўтиш лозим. Спорт назариясидан маълум бўлишича спортнинг мусобақа вазифаси, соғломлаштириш вазифаси, foявийлик вазифаси, эстетик вазифаси, ахлоқий-тарбиявий вазифаси, ижтимоий-сиёсий вазифаси, байналмилалик вазифалари мавжуд. Шунингдек, айрим манбааларда кўрстилишича, спорт воситасида ватанпарварлик, инсонпарварлик тарбиясини ёш авлодга сингдириш масалалари баён қилинган. Бу ўринда мутахассислар спорт мусобақалари жараённида ёшларни ватанпарварлик гоялари руҳида тарбиялашнинг имкониятлари юқори даражада эканлиги эътироф этишади. Спорт фақаттина натижаларни аниқлаш, жисмоний имкониятларни намойиш килиш мезони бўлибигина қолмай инсон омили, унинг ҳар томонлами тарбиялашиши масаласига ҳам алокадорлиги мазкур мавзу доирасида ўтказилаётган тадқиқотларда ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунида кўрсатиб ўтилишича Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги маданий меросининг ажралмас қисми, алоҳида ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат, халқаро майдонда мамлакатнинг обрў-эътиборини юксалиришига интилиш тўйгуларини тарбиялаш пойдеворидир [1]. Дарҳақиқат, миллӣй спорт турларининг шаклланиши, тарихий тараққиёти бевосита кишиларни ватанпарварлик гоялари руҳида тарбиялашни назарда тутади. Масалан, миллӣй спортизм курашни олайлик. Курашда рақибни ҳурмат килиш, ўз шаъннини ҳимоя қилиш орқали ватани ва халқи ор-номусини, шаънни ҳимоя қилиш масалалари ушбу спорт турининг фалсафий ва маънавий гоялари негизини ташкил қиласди. Бу каби мисолларни дзюдо, таеквондо, каратэ каби тарихий фалсафий ҳамда маънавий асослари инсонларнинг ҳар томонлама тарбияланишига хизмат килишга қаратиглан спорт турларида ҳам кўришимиз мумкин. Спорт турларининг тарихий шаклланиши, ривожланиши замирида аслида тинчлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби ҳислатларни тарбиялаш гоялари мужасамлашган. Зоро, тинчлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик умуминсоний қадрият сифатида неча йиллардан бўён эъзозланиб, қадрланиб келиммоқда.

Спортнинг ижтимоий аҳамияти, умуминсоний қадрият эканлиги унинг инсонпарвар характерда эканлигига ҳам ўз аксини топади. Бир қурашда спорт тушунчасининг мазмунини маълум даражадаги тайёргарликдан ўтган спортчилар беллашуви, уларнинг бир-бирини жисмонан, куч ишлатиб мағлуб бўлишга мажбур этишида кўриш мумкин. Аммо, спорт турининг мусобақа қоидлари, спортнинг умумэътироф этган нормалари спортчиларга, мураббийларга ва ҳакамларга шундай талаблар кўйганки, натижада, спорт фаолияти иштирокчилари машғулотлар, мусобақалар ва спорт тадбирлари жараённида умуминсоний қадриятлар мезони доирасида тарбияланиб, шаклланиб борадилар. Зоро, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ҳамда спорт мусобақалари улар иштирокчиларининг ва томошабинларнинг соглиғига, шаъни ва қадр-кимматига зиён етказилмайдиган тарзда ўтказилиши керак. Спортчиларнинг шаъни ва қадр-киммати камситилишига олиб келадиган, шунингдек уларнинг спорт жароҳатлари олишига сабаб бўладиган тайёргарлик услубларидан фойдаланишига йўл қўйилмайди [8]. Спорт мусобақалари қоидлари маълум талаблар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, иштирокчилардан уларга қатъий амал қилишини талаб этади. Айни шу ҳолатда спорт ўзининг юқори даражадаги инсонпарварлик хусусиятини намойиш қиласди.

Инсон, унинг саломатлигини саклаш ва мустаҳкамлаш бутун дунё тибиёт соҳаси олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Тибиёт оламида “касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган яхши” тушунчаси мавжуд. Техника ва технологиялар ривожланган замонда кам ҳаракатлилик инсонлар учун маълум даражадаги муаммоларни, хусусан, ҳаракатсизлик билан боғлиқ бўлган касалликларни юзага келтирмоқда. Юқорида спорт фаол жисмоний ҳаракатлар мажмуйи эканлигини айтиб ўтдик. Инсонларнинг режа асосида спорт билан мунтазам шугулланиши организмнинг ҳаракатга бўлган эҳтиёжини таъминлайди. Натижада, организм соглом ва бақувват бўлишига эришилади. Спортнинг умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилишининг асосий сабабларидан бири ҳам шундадир.

Бугунги глобаллашув шароитида ер юзи аҳолисини алкоголизм, наркомания, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби турли салбий иллатлар ташвишга

күйётгани барчамизга маълум. Халқ ва давлатнинг эзгу мақсадларига ёт ва бегона бўлган фоялар жамият ҳаётига ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилиши мукаррар. Бундай салбий иллатлар ва фояларга қарши курашмоқ, ёшларда вайронкор фояларга қарши курашиш иммунитетини шакллантириш, уларни салбий иллатлар таъсиридан асраш чора-тадбирларини йўлга кўйиш лозим. Бу вазифа ўз навбатида жамиятда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир қасб эгасига алоҳида талаблар қўяди. Замонавий спорт машгулотлари ўз олдига фактагина спорт натижаларини юксалтиришни эмас, балки, шуғулланувчини ҳар томонлама тарбиялашни ҳам мақсад қилиб қўйган. Замонавий Олимпия ўйинлари тарғиботчиси, француз давлат арбоби Пьер де Кубертен инсоният учун катта аҳамиятга эга бўлган, ҳар томонлама тарбия воситаси саналган Олимпия ўйинларини ташкиллаштиргани бежиз эмас. Кейинчалик, иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Ҳиндистон мамлакатининг ташабbusи билан Осиё ўйинлари ташкил килиниши ҳам айнан шу мақсадга – дунёда тинчлик ва осоишишаликни таъминлашга, халқлар ўргасидаги бирдамликни саклашга қаратилган эди.

Бугунги спорт ўзининг юксак даражасига қўтарилиди. Спортдан ёшлар тарбиясида, мамлакатлар нуфузини оширишда, салбий иллатларга қарши курашишда ҳамда соғлом-турмуш тарзини тарғиб килишда самарали фойдаланиш имконияти мавжуд. Тарихан инсон, унинг ҳаёти мукаддас қадрият сифатида эъзозланиб келинади. Шу билан бирга тинчлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби тушунчалар умумисоний қадриятлар тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Оилада ота-онанинг шахсий намунаси фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият қасб этади. Оиладаги мухит, ундаги ҳар-бир ўзига хос жиҳатлар болалар тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Оилада турли спорт жиҳозларининг мавжудлиги, ота-оналарнинг ундан мунтазам фойдаланиши ўз навбатида фарзандларнинг ҳам жисмоний маданиятга меҳр кўйишига замин бўлади. Шу сабабли оила ёшларни спортга жалб қилиш, фарзандларни маҳоратли ва ватанпарвар спорчиларга ҳавас руҳида тарбиялашда муҳим омил ҳисобланади.

Хулоса. Хулоса ўрнида ёшлар тарбиясида спортнинг ўрни юқори даражада эканлигини яна бир бор таъкидлаш керак. Спорт воситасида ёшларни ҳар томонлама тарбиялашда ота-оналар ва мураббийлар ниҳоятда маъсулиятли бўлишлари лозим. Муаллиф томонидан олиб борилган кузатишлар ва тажриба натижалари асосида кўйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ота-оналар фарзандларига шахсий намуна кўрсатиши, аввало, уларнинг ўзлари жисмоний машқлар билан шуғулланиши, спортга бўлган муносабатларини ўзгартиришлари лозим.

2. Оилада спортни тарғиб килиш, спортнинг фойдали жиҳатларини фарзандлар онгига сингдириши ва фарзандлар қалбида маҳоратли спорчиларга ҳавас ҳиссини ўйғотиш лозим.

3. Ота-она, мураббий ва таълим муассасаси ҳамкорлигини самарали йўлга кўйиш лозим.

4. Ёшлар билан ишловчи мураббийлар спортнинг тарбиявий жиҳатларига алоҳида аҳамият қаратишлари, шуғулланувчиларнинг ҳар томонлама тарбияланишига эътибор беришлари шарт. Машгулотлар ва мусобақалар мобайнида шуғулланувчиларнинг ахлоқий ва маънавий тарбиясига алоҳида эътибор бериш керак.

5. Мураббийлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига спортнинг фалсафий, маънавий-ахлоқий, эстетик ва тарбиявий асосларини ўрганиш мазмунидаги маҳсус курсларни жорий қилиш керак.

Мустакил Ўзбекистон тобора ривож топиб, тараққий этиб бормоқда. Бундай ривожланишни дунё ҳамжамияти тан олаётгандиги барчамизни қувонтириши табиий, албатта. Эришилаётган ютуклар замирида халқимизнинг азал-азалдан шаклланган қадриятлари, маънавий ва ахлоқий юксалиш борасидаги тажрибаси, меҳнатсеварлиги, Ватанини севиши каби хислатлар мавжуд. Биз азалий қадриятларимиз, асрлар мобайнида фарзанд тарбияси борасида тўпланган тажрибалиримизни асраб-аввалишимиш, авлоддан авлодга етказишимиш лозим. Шу билан бирга ёшлар тарбиясида бутунги замон талабларига мос ёндашувларни амалга оширишимиз, унинг янгича усусларини амалиётга жорий қилишимиз ўринли бўлар эди. Ёшлар тарбияси ҳар доим дозарб ва муҳим вазифалардан ҳисобланиб келавради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрир). 2015 йил 4 сентябр.
2. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли лугати. Фоур Ғулом номидаги нашириёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент-2013. 54-55 бетлар.
3. Р.С.Саламов. Спорт машгулотининг назарий асослари. Ўкув кўлланма. Тошкент – 2005. 16-бет.
4. Машарипов.Й.М. Спорт психологияси. Самарқанд – 2010. 41-бет.
5. Баркамол авлод тарбиясида жисмоний маданият ва спортнинг ўрни. Республика илми-амалий конференция материаллари тўплами. Самарқанд – 2014 йил. 127-128 бетлар.
6. Жисмоний тарбия ва спортнинг янги давр муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Бухоро – 2013. 43-44 бетлар.
7. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олишда оила, узлуксиз таълим мусасалари, махалла ва хукук-тартибот органларининг ўзаро ҳамкорлиги. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Гулистан – 2014. 231-233 бетлар.
8. Olympic Charter. www.olympic.org

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада спортнинг ижтимоий аҳамияти ва унинг тарбия воситаси сифатидаги ўрни таҳлил этилган. Спортнинг педагогик ва тарбиявий аҳамияти, вазифалари ҳамда жамиятдаги ўрни мухокама этилган ҳамда тавсия ва хуносалар ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется социальная значимость спорта и его роль как средства обучения. Обсуждались педагогическое и воспитательное значение, задачи и роль спорта в обществе, выработаны рекомендации и заключение.

SUMMARY

The article analyzes the social significance of sport and its role as a means of education. The pedagogical and educational significance, tasks and role of sport in society were discussed, recommendations and conclusions were developed.

ЁШ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА МАШГУЛОТ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Болтаев Ш.Э.

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Жисмоний тарбия ва спорт машгулотлари назарияси ва методикаси”
мутахассислиги 2-босқич магистранти*